



ЎРТА ОСИЁДА МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИНИНГ СИЁСИЙ- ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ

Қаҳрамон Усманович Умидуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси Давлат ва ҳуқуқ

институтининг катта илмий ходими,

юримдик фанлар бўйича фалсафа

доктори (PhD)

Аннотация: Макур мақолада мўғуллар истилосининг сиёсий-ҳуқуқий оқибатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мўғуллар истилосининг ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа оқибатлари ҳақида фикр юритилган. Айни мавзуга оид илмий тадқиқот ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинган. Босқин натижасида юзага келган сиёсий бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар ва унинг оқибати таҳлил қилинган. Ўрганиш натижаларига асосланиб тегишли хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Хоразмшоҳлар, Чингизхон, “Ясо” қонунлари, Суд ва ҳуқуқ тизими, Тошкент, Хўжанд, Термиз.

Қайд этиш жоизки, мўғуллар истилоси Ўрта Осиё давлатчилиқ тарихида ўзига хос из қолдирган, ўзининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари билан алоҳида ажралиб турадиган таъсирга эга бўлган давр. Бу даврда суверенитет ва давлат мустақиллиги тўлиқ издан чиқди ва ҳудуд учун мутлақо янги бошқарув тизими жорий этилди. Истило натижасида марказлашган сиёсий тизим тугатилди, қарор қабул қилиш тўлиқ мўғуллар қўлига ўтди. Сиёсий ҳокимият, бошқарув ва ваколат ҳарбий интизом ва ҳарбий садоқат билан бевосита боғлиқ эди.

Мўғул истилоси аввалги сиёсий бошқарув, хусусан Хоразмшоҳлар давлати, қонунчилиқ тизими, дипломатия, молиявий сиёсатнинг



функционал ва ҳуқуқий асосларини йўқ қилган. Ҳар бир қарор мўғул империясининг иерархик тизимида юқоридан пастга йўналтирилган буйруқлар асосида қабул қилинган. Мўғул истилосидан олдинги даврда ҳокимият асосан диний ҳуқуқий асос – шариат ва сиёсий насл-насабга таянган бўлса, истило даврида бу мезонлар иккинчи даражага тушган.

Ҳуқуқий мустақилликнинг издан чиқиши эса давлат бошқарувидан ташқари, фуқаролик жамиятининг шаклланиш имкониятларини ҳам сусайтирди. Мўғул бошқаруви шахсий ташаббус, сиёсий иштирок ва ижтимоий фаолликни эмас, балки итоат, тартиб ва садоқатни қадрлади. Бу сиёсий маданият жамият онгида ҳуқуқий фаолиятни эмас, балки сиёсий лоқайдликни мустаҳкамлади. Ҳар қандай мустақил ҳаракат исён деб талқин қилинар, бу эса ижтимоий қатламлар ўртасида ўзаро ишончсизлик ва сиёсий пасивликни кучайтирди.

Тарихий манбалар хусусан, Ибн ал-Асир, Жувайний ва Рашидуддиннинг асарларида қайд этилишича, мўғул истилосидан кейин маҳаллий ҳукмдорларнинг кўпчилиги нафақат сиёсий қарорлар қабул қилиш ваколатидан, балки ўз ҳудудида мулкчилик ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлган. Улар империя ихтиёридаги оддий бошқарув воситаси даражада мавжуд бўлиб, бу ҳол сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллик ғоясига қаттиқ зарба бўлди¹.

Мўғуллар томонидан жорий этилган ҳарбий-маъмурий тузум Марказий Осиё халқлари ҳаётига янги сиёсий мезонларни олиб кирди. Аввало, бу тузум аввалги маҳаллий ҳокимият тузилмаларини буткул қайта кўриб чиқди ва мўғул анъанавий тартибига мослаштирди. Ҳар бир воҳа ва йирик аҳоли ҳудуди мўғул нўёнларига бўйсундирилди. Улар эса бевосита марказий ҳокимият – Буюк хон саройига ҳисобот беришга мажбур бўлди. Шу тариқа, аввалги ярим мустақил ёки нисбатан автоном бўлган ҳудудлар тўлиқ марказлашган бошқарув тизимида ўзтказилди. Бу ҳолат ҳудудий

¹ Christopher Atwood (2023) — *Cambridge History of the Mongol Empire*.

мустақиллик ғоясининг сусайишига, ҳар бир ижтимоий қатлам устидан доимий назоратнинг кучайишига олиб келди.

Мўғул бошқаруви нафақат сиёсий, балки ҳуқуқий соҳада ҳам кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. “Ясо” қонунлари мўғуллар томонидан босиб олинган барча ҳудудларда жорий қилинди. Бу ҳуқуқий тизим мўғул анъаналарига, ҳарбий интизомга ва қаттиқ марказлашган бошқарув тамойилларига асослангани билан ажралиб туради. “Ясо” қоидалари одатдаги исломий фикҳ меъёрларига зид келган ҳолларда ҳам устувор деб эътироф этилган. Бу ҳол эса маҳаллий уламолар, қозилар ва ҳуқуқшунослар фаолиятининг чегараланишига олиб келди.

Мўғуллар юритган ҳуқуқий сиёсат ўз навбатида жамиятнинг ижтимоий қатламлари ўртасидаги мувозанатни ўзгартирди. Илгари мулк эгаларининг ижтимоий мавқеи дин билан чамбарчас боғлиқ бўлган бўлса, эндиликда бу мавқе асосан сиёсий содиқлик ва ҳарбий хизматга асосланган. Ҳарбий зодагонлар, хусусан мўғул нўёнлари, ҳуқуқий имтиёзларга эга бўлиб, кўплаб мулкларни ўзлаштиришга ҳақли эди. Бу эса эски элита вакиллариининг ижтимоий ва иқтисодий мавқеининг пасайишига сабаб бўлган.

Мўғул истилосидан сўнг юзага келган ижтимоий-сиёсий парокандалик ва ҳуқуқий беқарорлик Ўрта Осиё халқларини янги ижтимоий мослашиш стратегияларини ишлаб чиқишга мажбур этган. Дастлабки даврда мўғул назоратининг қатъийлиги, доруға ва нўёнларнинг мустабид ваколатлари маҳаллий жамият ҳаётида чуқур ижтимоий парчананишга олиб келган. Бироқ вақт ўтиши билан, айниқса XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳудудий бошқарувда аста-секинлик билан маҳаллийлашув ва ўзгариш жараёнлари бошланган.

Аввалги сиёсий институтлар тўлиқ тикланмаган бўлса-да, мўғул тузумига мослаштирилган янги бошқарув усули шакллана бошлади. Айниқса Чигатой улуси ҳудудида илгари мавжуд бўлган шариат судлари, диний ваколатли шахслар ва ёзма ҳуқуқ анъаналари қайта жонланишига





интилишлар кузатилган. Бу жараён сиёсий прагматизм билан изоҳланади. Мўғуллар, маҳаллий аҳоли ишончини қозониш ва бошқарувни самарали юритиш учун айрим анъанавий институтларга муроса билан ёндашишга мажбур бўлган. Шунингдек, ижтимоий ҳаётда ислом маданиятининг чуқур илдиз отгани сабабли, шариат асосидаги меъёрлар бутунлай йўқолиб кетмаган, балки расмий бошқарув тизимининг чекка қатламларида сақланиб қолган.

Чиғатой улуси ташкил этилган илк босқичларида (1227–1260 йиллар) мўғул ҳарбий аристократияси тўлиқ ҳукмронлик қилган бўлса, кейинги даврларда уламолар, қозилар, савдогарлар ва маҳаллий ер эгалари сиёсий жараёнларга жалб этила бошлаган. Қайд этилишича, “Мўғул зобитлар эндиликда маҳаллий шахслар билан маслаҳатлашмай бирор ишга қўл урмас эдилар, айниқса халқ орасида эътиборга эга бўлган шахслар ҳукмни юмшатишга, баъзан эса ўзгартиришга ҳам муваффақ бўлардилар”².

Бу ёндашувда сиёсий садоқат билан диний-маданий легитимлик ўртасида мувозанат изланаётгани сезилади. Мўғул бошқаруви, қаттиқ назоратни сақлаб қолган ҳолда, исломий элиталар орқали халқ билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилган. Натижада, XIII аср охири ва XIV аср бошларида Ўрта Осиёда икки ёқлама сиёсий-ҳуқуқий тизим шаклланди. Бир томондан “Ясо” ва мўғул тартиблари асосидаги расмий бошқарув, иккинчи томондан шариат ва маҳаллий урф-одатларга таянувчи норасмий, лекин ижтимоий жиҳатдан легитим тартиб эди.

Бу икки ёқлама ёндашув, бир томондан, мўғул империясининг узоқ муддатли барқарорлигига хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, кейинчалик юзага келган сиёсий ажралишлар, хонликлар ва мустақил маҳаллий тузилмалар учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Айнан мана шу асосда XIV аср ўрталаридан Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда

² Jonathan Z Brack. Mediating Sacred Kingship: Conversion and Sovereignty in Mongol Iran. 2016. P. 374.

мўғул-сиёсий бошқарув усулининг ўзгариши босқичма-босқич амалга ошган.

Янги босқичдаги бу сиёсий шаклланиш ўз навбатида, бошқарувга ўзига хос ижтимоий хусусиятларни киритди. Хусусан, шариат қозилари суд тизимида яна нуфузли ўрин эгаллай бошладилар, мадрасалар фаолияти қайта жонланди ва мусулмон ваколатли шахслар давлат хизматида жалб этила бошланди. Шу тарзда, мўғул истилосидан сўнг юзага келган сиёсий-ҳуқуқий инқироз ҳолатидан тикланиш жараёни аста-секин амалга ошди.

Ўрта Осиёда мўғул истилосидан сўнг шаклланган икки ёклама сиёсий-ҳуқуқий тартиб аста-секин ижтимоий онда муросавий ёндашувни кучайтирди. Бу айниқса XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, Чиғатой улусининг ички сиёсий муҳотида яққол кўзга ташланади. Янги сиёсий элита – мўғул зодагонлари ва маҳаллий дин пешволари ўртасидаги ҳамкорлик воситаси сифатида бир неча даражадаги бошқарув шакллани бошлади. Яъни бир-биридан кескин фарқ қилувчи сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Чиғатой улуси мисолида бу ўзгаришнинг амалий кўриниши аввалги “Ясо” қонунлари асосидаги бошқарувдан ўтиш даврига хос бўлган мезонларга боғлиқ бўлди. Шариат судлари қайта фаолият кўрсата бошлаган, аммо улар асосан оилавий низолар билан шуғулланган. Бошқа барча масалалар, айниқса ҳарбий ва молиявий соҳалар мўғул нўёнлари ваколатида қолдирилган. Шу боис, маҳаллий аҳоли учун бу даврда ҳуқуқий дуализм – яъни, турли низолар бўйича икки турдаги қонунчиликка таяниш зарурияти юзага келди. Бу ҳолат, ўз навбатида, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий ноаниқлик, қарама-қаршилик ва ижтимоий беқарорликни сақлаб қолди.

Бироқ, ушбу мураккаб тизим Ўрта Осиёда давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларнинг қайта шаклланишига сабаб бўлди. Хусусан, XIV аср ўрталарида мўғуллар сиёсий сахнада барқарорлигини йўқота бошлагани сари маҳаллий зодагонлар, уламолар ва савдогар табақалари ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилдилар. Уларнинг кучайиши эса сиёсий ҳокимиятнинг



марказлашган тизимдан ажралиб, ҳудудий-автоном бошқарув шаклларига ўтишига замин яратди.

Бу даврда келиб ҳуқуқий институтлар фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Қозилик лавозими фақат диний масалалар билан чекланмай, иқтисодий ва фуқаровий низоларни ҳал қилишда ҳам иштирок эта бошлаган. Бу ҳолат, шубҳасиз, ислом ҳуқуқининг (фикҳ) яна ижтимоий-ҳуқуқий тартиботга айланиши билан боғлиқ бўлиб, уни шариатга асосланган ижтимоий қайта тикланиш деб баҳолаш мумкин. Мадрасаларнинг кўпайиши, илмий фаолиятнинг жонланиши, ҳуқуқий рисоаларнинг кўпроқ тарқалиши бу жараёни янада мустаҳкамлаган.

Яна бир эътиборга молик жиҳат – бу давлат бошқарувида аввалги мўғул унвонларининг аста-секин мусулмон муҳитига хос бўлган лавозимлар билан алмашиб бориши ҳисобланади. “Доруға” ўрнига “амир” ёки “ҳоким”, “нўён” ўрнига эса “садр”, “нақиб” каби унвонларнинг қўлланилиши сиёсий-ҳуқуқий алмашиш жараёнининг бошланганини англатади. Бу эса нафақат ташқи атамаларда, балки бошқарув тамойилларида ҳам муҳим ўзгаришлар бўлганини англатади.

Шу тарзда, мўғул истилоси Ўрта Осиё ҳудудида бир неча босқичли сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришлар занжирини бошлаб берди. Дастлабки инқироз ва парокандаликдан кейинги мувозанат излаш босқичи ўз навбатида янги ижтимоий-сиёсий вазиятга мослаштирилган бошқарув тартибини юзага келтирди. Бу тартиб ҳарбий куч, диний легитимлик, иқтисодий манфаат ва ҳуқуқий мерос ўзаро уйғунлашган ҳолда амал қила бошлади.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, мўғул истилоси натижасида юзага келган сиёсий тизим аста-секин маҳаллий амалиёт билан бойитилиб, турли шаклдаги сиёсий бирликларга айланиб борди. Бу жараён айниқса Чиғатой улусининг ички сиёсий тарқоқлиги, **нўёнлар** ўртасидаги ички зиддиятлар ва ваколат муаммолари билан боғлиқ бўлиб, натижада автоном марказларнинг кўпайишига олиб келди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, бу марказлар кўпинча ўз бошқарув тузилмалари ва ҳуқуқий



тизимларини мустақил равишда шакллантира бошлади. Шу боис XIV асрнинг охирларига келиб, Мовароуннахр ҳудудида собиқ мўғул иерархиясига нисбатан нисбий мустақилликка эришган бир қатор сиёсий-ҳудудий бирликлар юзага келди.

Бу сиёсий тузилмалар асосан, иккига: биринчиси – ҳарбий салоҳият, яъни маҳаллий ёки сулолавий гуруҳларнинг ўзига хос куч структурасига эга тузулма;

иккинчиси – ҳукукий, яъни бошқарувнинг дин ва урф-одатлар билан легитимлаштирилган шакли юзага келди. Айнан иккинчиси ушбу даврда муҳим аҳамият касб этди. Чунки аҳолининг аксарияти исломий-ҳукукий онгга эга бўлиб, шариатга асосланган бошқарувни ижтимоий адолат мезони деб биларди. Бу ҳолат янги сиёсий элиталарни диний-ҳукукий тартиботлар билан ҳисоблашишга мажбур этди.

Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хўжанд ва Термиз каби шаҳарларда қозикалон лавозими яна кучайиб борди. Ушбу лавозим эгаси шариат асосида нафақат судлов ишларини олиб борган, балки вилоят ҳокимлари фаолиятига ҳам маънавий назорат ўрнатган. Ислом ҳукуқи фикҳ ижтимоий муносабатларнинг меъёрий асосига айланган, иқтисодий битимлар, мол-мулк муносабатлари, меҳнат шартномалари, никоҳ ва мерос каби масалаларда шариат мезонлари устувор бўлиб қолган.

Шунингдек, ҳукукий тафаккурда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Агар мўғул истилосининг илк даврида “Ясо” қонунлари тартибни сақлаш воситаси сифатида қаралган бўлса, кейинчалик бу қонунлар ижтимоий эҳтиёжларга жавоб бермагани сабабли чекинишга мажбур бўлди. Илмий манбаларда, хусусан, Заҳириддин Бобур ва Мирзо Муҳаммад Ҳайдар асарларида “Ясо” тизимининг жамиятда адолат тамойилларини қондира олмагани қайд этилган. Аҳоли орасида шариат мезонларига бўлган ишонч



сақланиб қолганлиги сабабли, ҳар қандай сиёсий ҳокимият диний ҳуқуқий тамойилларни эътибордан четда қолдира олмаган³.

Юқорида қайд этилган сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар натижасида XIV аср охири ва XV аср бошларида янги сиёсий элита, яъни турк ва мўғул зодагонлари ҳамда маҳаллий мусулмон олимлари ўртасида сиёсий-ҳуқуқий муроса юзага келган. Бу муроса асосида ҳарбий-иқтисодий куч билан диний-легитим ҳуқуқий ваколатлар ўзаро уйғунлашган. Натижада, бу икки қатламнинг сиёсий ҳамкорлиги янги давлатчилик анъаналарининг асосини ташкил этди.

Шунингдек, мўғуллар зулмига қарши озодлик ҳаракатлари ҳам бўлиб турган. Хусусан, Жалолиддин Мангуберди 1221-1231 йиллар давомида Чингизхон қушинларига қаршилиқ кўрсатди. Аммо мамлакат ва бошқарув тизими қўлдан кетган шароитда мунтазам қўшин тўплаш ва самарали жанг қилиш мушқил эди. Бироқ Жалолиддин тенгиз жанга мўғил қўшинларига 10 йилдан ортиқ, яъни умрининг охирига қадар қаттиқ қаршилиқ кўрсатди.

Жалолиддин Мангубердининг яқин сафдоши Хўжанд ҳокими, мўғуллар истилосига қарши кураш олиб борган яна бир саркарда Темур Малик 1220 йилда 1000 кишилиқ қўшин билан мўғилларга қарши тургани тарихий манбалардан маълум. Темур Малик 1221-1232 йилларда Султон Жалолиддин билан биргаликда мўғулларга қарши кураш олиб борди⁴.

Мўғиллар зулмига қарши кураш тўхтаб қолмади. Жалолиддин Мангубердидан ҳамда Темур Маликдан кейин Маҳмуд Торобий 1238 йилда мўғилларнинг Чигатой улусига қарши қўзғолон кўтарди⁵. Дастлаб Тороб қишлоғида бошланиб Бухорога қадар борган қўзғолончилар Малик Санжар қасрини эгаллаб олдилар. Уларга мўғил зулмидан азият чеккан кўплаб қўзғолончилар қўшилди. Жувайнийнинг ёзишича, шайх Шамсиддин

³ Thackston, Wheeler M., trans. The Baburnama: Memoirs of Babur, Prince and Emperor. New York: Modern Library Classics, 2002.

⁴ Рашидад-Дин, Сборник летописей, т.1, книга 2, [Перевод с перс. яз. О. И. Смирновой], М. —Л., 1952.

⁵ Qahramon Rajabov. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.



Маҳбубий қўзғолончиларнинг ғоявий йўлбошчиси сифатида қўшин ва халқ ўртасида ташвиқот ишларини олиб борган. Жанг натижасида Бухоро қўзғолончилар қўлига ўтган. Қўзғолонни бостириш учун Карманадан юборилган мўғул қўшинлари ҳам Бухоро яқинида мағлуб этилган. Қайд этилишича, ушбу жангда 10 минг мўғул аскарлари ҳалок бўлган. Қўзғолончилар мўғулларни қувиб Карманагача борган. Аммо мазкур жангда Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий ҳам ҳалок бўлишган. Қўзғолонга Маҳмуд Торобийнинг икки укаси Муҳаммад ва Али раҳбарлик қилган. Мўғуллар қўзғолонга қарши Элдиз Нўён ва Чекан Қурчи бошчилигида янги кучлар билан Кармана яқинидаги Работи Маликда бўлиб ўтган жангда қўзғолон бостирилган. Қўзғолончилардан 20 минг киши, хусусан Муҳаммад ҳамда Али ҳам ҳалок бўлган.

Яна бир манбада қайд этилишича, Тороб қишлоғи ва унинг атрофидаги деҳқонлар ва хунармандлар мажлисларида ўзаро кенгашиб мўғуллар зулмига қарши очиқ кураш бошлашга қарор қилганлар. Қўзғолончилар Маҳмуд Торобий бошчилигида Бухорога юришди ва шаҳардаги Малик Санжар қасрини эгаллаб уни ўзларига қароргоҳ қилиб олишди. Уларнинг сафига кўплаб тарафдорлар ва маслакдошлар қўшилган Торобийнинг опаси ҳам қўзғолоннинг фаол иштирокчиларидан бўлиб, мардлиги, ғайрати жасорати ва душманга нафрати билан қўзғолончилар орасида алоҳида ажралиб турган.

Улар мўғул босқинчилари ва улар хизматига ўтган маҳаллий маъмурларни ўлдириб мол-мулкни бева-бечораларга тақсимлаб беришган. Маҳмуд Торобий Робиа саройига султон қилиб қўтарилган. Шамсиддин Маҳбубий шаҳар садри этиб тайинлаган.

Маҳмуд Торобий қўзғолони мағлубиятга учраган бўлса ҳам у тарихда изсиз кетгани йўқ. Мўғул маъмурлари маҳаллий аҳоли билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиб, ўлпон ва солиқларни камайтиришган, ҳамда маълум муддат турли ўзбошимчаликларга чек қўйилган. Чигатой улусини мўғул ҳоконлари номидан бошқарган Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Маъсуд



Ялавоч бу пайтда ҳам хоқонлар манфаатини кўзлайдиган ҳам маҳаллий халққа хайрихоҳ нозик сиёсатни юритишган⁶.

Мўғул истилосининг барқарор меросларидан бири бу – давлат институтларининг ташкилий ва функционал моҳиятини ҳарбий иерархияга мослаштириш тамойилидир. Гарчи мўғул империяси парчаланиб кетган бўлса-да, унинг марказлашган, қатъий назоратга асосланган ва ҳарбий бошқарув тартиби кейинги сулолавий тузилмалар, жумладан, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва ҳатто Бухоро хонлиги томонидан қисман қабул қилинган. Бу ҳолат сиёсий-ҳуқуқий тафаккурда куч ва ҳокимият ўртасидаги мувозанатнинг доимий бузилиб боришига сабаб бўлган.

Аввалги исломий-диний ҳуқуқий тартиб фуқаролик манфаатларига хизмат қилувчи, ижтимоий адолатни таъминловчи тузилмалар сифатида қаралган бўлса, мўғул истилосидан кейинги даврда бу институтлар императорлик иродасини бажарувчи маъмурий аппаратлар даражасига туширилган. Қайд этилишича, мўғул истилоси давлат идораларини мустаҳкамламади, балки уларни куч воситасига айлантирди. Ҳар бир сиёсий лавозим қонунийлик эмас, содиқлик эвазига берилган мукофотга айланди⁷. Бу ёндашув Ўрта Осиёда шахсий садоқат, мансублик ва куч асосидаги ваколатни мустаҳкамлади.

Умуман олганда, чингизийлар давлати шахслараро муносабат ва ҳокимият тепасидагиларнинг иродаси асосида бошқарилган. Хонлар томонидан чиқарилган фармонларда ҳокимият эгаларининг иродаси ифода этилган. Чингизхон босқинига қадар ислом ҳуқуқи асосида бошқарилган ҳудудлар чингизийларнинг иродасига асосланган бошқарувга ўтган. Ҳарбий бошқарув ҳокимиятнинг мутлақлаштиришга хизмат қилган. Бундай бошқарувдан норозичилик шавфқатсиз бостирилган.

Ҳарбий бошқарув солиқ, суд ва бошқа соҳаларда айниқса кучлироқ бўлган. Бошқарувда асосан мажбурлаш характер касб этган. Суд тизими

⁶ <https://www.uzerk.org>

⁷ Michael J. Bechtel. The university of Chicago. from collective sovereignty to autocracy: The evolution of the mongol empire, 1227-1251. Chicago, Illinois. 2021. P. 254.

низоларни ҳал қилишдан кўра тартибни сақлаш воситасига айланган. Ўрта Осиёда бошқарув – адолатдан куч, шахсий садоқат ҳамда марказий назоратга ўтган.

Аммо истилонинг дастлабки йилларида бошқарув ўта шафқатсиз бўлган бўлса-да, секин-асталик билан айрим ҳудудларда айниқа Суд ишларида ислом ҳуқуқи қайта бошлаган. Айрим мўғил ҳукмдорлари томонидан ислом динининг қабул қилиниши эса ушбу жараёнларнинг янада тезлашишига, нафақат судлов ишларида, давлат бошқарувида ҳам ислом ҳуқуқининг ўрни мустаҳкамланиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Jonathan Z Brack. Mediating Sacred Kingship: Conversion and Sovereignty in Mongol Iran. 2016. P. 374.
2. Thackston, Wheeler M., trans. The Baburnama: Memoirs of Babur, Prince and Emperor. New York: Modern Library Classics, 2002.
3. Christopher Atwood (2023) — Cambridge History of the Mongol Empire
4. Рашидад-Дин, Сборник летописей, т.1, книга 2, [Перевод с перс. яз. О. И. Смирновой], М. —Л., 1952.
5. Qahramon Rajabov. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
6. <https://www.uzerk.org>
7. Michael J. Bechtel. The university of Chicago. from collective sovereignty to autocracy: The evolution of the mongol empire, 1227-1251. Chicago, Illinois. 2021. P. 254.

